Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

замонавий агротехнологияларни такомиллаштириш ва уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларига жорий этиш;

қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-ҳудудий принципидан ҳавза принципига ўтишни кўзда тутувчи сув ресурсларини бошқариш, шунингдек суғорма сувдан фойдаланишда бозор тамойилларини барча даражада татбиқ қилиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқаруви марказий аппаратининг тузилмасида қуйидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича Кенгашлар тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

- пахтачиликни ривожлантириш;
- ғаллачиликни ривожлантириш;
- сабзавот-полиз экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш;
- чорвачиликни ривожлантириш;
- ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ер унумдорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш.

Тегишли тармоқларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш Кенгашларнинг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин.

Мазкур Кенгашлар таркибига жамоатчилик асосида етакчи мутахассислар аъзо бўлиб кирадилар. Кенгашларнинг раислари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг аъзолари ҳисобланадилар.

Кенгашларнинг барча тавсиялари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг мажлисларида муҳокама этилиши лозим, унинг қарорлари ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

Мазкур Кенгашлар ишчи органларининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқарма ва бўлимлари зиммасига юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда тегишли ташкилотлар билан бирга қуйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг вилоят ва туман бўлинмалари тўғрисидаги янги низомлар;

фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати)нинг янги намунавий уставлари.

Ушбу низомларни тайёрлаш чоғида қишлоқ хўжалик корхоналарининг мустақиллигини кенгайтириш, ҳар бир бошқарув ва хўжалик юритиш субъектининг вазифа ҳамда мажбуриятлари аниқ чегаралаб қўйилиши, ширкат хўжаликларида кадрлар масалаларини ҳал этишнинг демократик шакллари, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг жорий фаолиятига маъмурий аралашувга барҳам бериш кўзда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномаларни қайта ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда янги намунавий шартномаларни белгиланган тартибда тасдиқласин.

Мазкур шартномаларда қуйидагилар кўзда тутилсин:

асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчининг тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ишлаб чиқариш муносабатларида устувор мавқеи;

томонларнинг ҳуқуқ ва ўзаро мажбуриятларини аниқ белгилаш;

маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш ҳамда шартномалар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг тартиби ва аниқ муддатларини белгилаш;

шартномавий муносабатлар мазмуни ва моҳиятини бош вазифа - асосий маҳсулот ҳисобланган пахта толаси, дон ва бошқа маҳсулотларни энг кам сарф-харажат билан етиштириш вазифасига эришишга бўйсундириш;

шартнома мажбуриятларининг ижроси учун томонларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаб қўйиш.

Мазкур шартномалар агротехника тадбирлари амалга оширила бошлашидан кечи билан 1 ой олдин тузилиши лозимлиги белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қишлоқ хўжалигида шартномалар тузиш ва уларни бажариш чоғида белгиланган норма ҳамда талабларга хўжалик юритувчи субъектларнинг риоя этишлари устидан мунтазам назорат ўрнатсин;

бир ой муддатда, Олий суд ва Олий хўжалик суди билан биргаликда республика минтақаларида қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг шартномавий ўзаро муносабатлардан келиб чиқадиган манфаатлари ишончли ҳимоя этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий институтларнинг ривожланган тизимини шакллантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини баҳолашда статистик ва молиявий кўрсаткичларнинг амалдаги тизимини ўргансинлар ҳамда ана шу асосда уларни тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсинлар ва бунда бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ уларни қисқартириш ҳамда ягона ҳисобот тизимини яратишни кўзда тутсинлар.

Айни чоғда вазирликлар ва идоралар томонидан барча бошқарув поғоналарида қўшимча ҳисобот шакллари жорий этилишига йўл қўйилмасин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Н.Юсупов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 24 март





Меҳр-саховат айёми - Наврўз тантаналари нишонланаётган шу кунларда касаба уюшмалари ногирон ва кекса фуқароларимизга моддий-маънавий жиҳатдан кўмак кўрсатишмоқда. Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси фаоллари пойтахтимиздаги 1-болалар мурувват уйига ташриф буюришди. Бу ерда тарбияланаётган 320 нафар ногирон болага байрам совғалари топширилди.

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**

## НУРОНИЙЛАР СИҲАТГОҲИ

Наврўз арафасида жиззахлик отахон ва онахонлар учун яна бир қулайлик яратилди.

Вилоят автотранспорт ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасининг собиқ санаторий-профилакторийси биноси қайта таъмирланиб, бу ерда қарияларнинг дам олиб-даволанишлари учун барча қулайликлар яратилди.

«Обод маҳалла йили» дастурига биноан очилган ўттиз ўринли ушбу сиҳатгоҳ дастлабки дам олувчиларни қабул қила бошлади.

## ЯНГИ ДАВОЛАШ МАРКАЗИ

Жиззах шаҳрида янги эндокринология маркази иш бошлади.

Янги марказда ушбу тиббиёт муассасаси кўмагига муҳтож бўлган ўттиз мингга яқин беморга малакали хизмат кўрсатилади. Бунинг учун барча шарт-шароит мавжуд. Эллик ўринли шифохона хориждан келтирилган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

(ЎзА).

*2003 йил — Обод маҳалла йили*

## ФАОЛЛАРГА ТАЯНИБ

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда республикада санитария-эпидемологик вазиятни янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўкламги ишларни ташкил этиш мақсадида март ойини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди.

Зафар шаҳар фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи 708 та оила ҳам яхши ният билан ободончилик ишларида фаол иштирок этяпти.

Нурали Саидов раислик қилаётган «Саноатчи» маҳалласининг «ҳар бир оила 10 туп мевали дарахт ва шунча гул кўчати ўтқазади» деган ташаббусини «Бўстон», «Қурувчи», «Самарқанд» маҳалла фуқаролари ҳам қўллаб-қувватлашди. Бу борадаги амалий ишлар қизитиб юборилди.

Ишсизликнинг олдини олиш, янги иш ўринларини яратишда туман меҳнат, аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш бўлими билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Янгитдан ташкил этилган 38 та фермер хўжалигида 221 нафар киши, 50 та хусусий тадбиркорлик субъектларида 150 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Маҳаллада «Аёл борки, олам мунаввар», «Маҳалламиз футболчилари», «Отам-онам ва мен» «Ҳунармандчилик ота-бобом касби» мавзуларида бир неча тадбирлар ўтказилди. Бунда Малика Имомқулова, Турдибек Эшимов каби чеварларнинг ҳиссаси бор, албатта.

Мактаблар, шифохоналар жамоатчилиги билан яқин ҳамкорлик ўрнатилгани ҳар бир оилага чуқур кириб боришни таъминламоқда.

Тўй ва маросимларни ортиқча чиқимсиз, ихчам ва тежамкорлик билан ўтказишда йиғин қошидаги Гулнора Баҳриева раис бўлган хотин-қизлар комиссияси фаол иш олиб бораяпти. «Қиз базми» кечаларидаги тежамкорлик туфайли ўртача 110-120 минг сўм маблағ оила бюджетида қолмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз туфайли Обод маҳалла йилида қишлоғимиз янада чирой очиб, одамлар турмуш фаровонлиги ортиши шубҳасиз.

**Қаҳрамон СИЛЛИЕВ, Зафаробод туманидаги «Зафар» шаҳар фуқаролар йиғини раиси.**

## ГУЗАР ЧИРОЙ ОЧДИ

Ғаллаорол шаҳридаги Олимлар маҳалласида янги гузар ишга туширилди.

Шаҳарнинг бу қисми Ўзбекистон ғаллачилик илмий-тадқиқот институтининг Ғаллаорол бўлими ва унга қарашли тураржойлар жойлашгани боис шундай деб аталади. Дарҳақиқат, маҳалла ҳаётида бу илмий муассасанинг ўрни катта. Шунинг учун янги гузарга таниқли олим, узоқ йиллар шу институтга раҳбарлик қилган Мавлон Омоновнинг хотира лавҳаси ўрнатилди.

Эндиликда гузардаги маданият уйи, спорт майдони, савдо ва маиший хизмат дўконлари, нуронийлар чойхонаси маҳалла аҳлига хизмат қилади.

## ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Қишлоғимиздаги маданият саройи анчадан буён ҳувиллаб қолганди. Бу маскан ким ошди савдосига қўйилиб сотиламиш, деган хабарга бефарқ қараб туролмадим. Шу соҳа ходими эканлигим боис аукционга қатнашиб, эски таъмирталаб бинони сотиб олдим. Мулкка эга бўлгач, маслаҳатгўйлар ҳам кўпайиб қолди. Биров ошхона очиб, фойда олиш маслаҳатини берса, яна биров ўзга сердаромад тармоқни ташкил этиш таклифини берди. Аммо бир пайтлари қишлоқ ёшлари бу ерда мириқиб дам олиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишарди. Шундай табаррук масканни ўз фойдамни кўзлаб даромад манбаига айлантиришга виждоним йўл қўймади. Ўйлаб-ўйлаб бу ерда болаларни соғломлаштириш-спорт мажмуи очишга қарор қилдим. Бор бисотни йиғиб бинони таъмирлашга киришдик. Туман ҳокимлиги «Камолот» ёшлар ижтиоимий ҳаракати туман бўлими, қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла аҳли ҳам ёрдамини аямади.

Ҳудудимизда 5600 нафар фуқаро истиқомат қилишади. Аҳолининг аксарияти ёшлар. Уларни бирон бир фойдали машғулотга жалб этиш эҳтиёжи шундоқ сезилиб туради. Шунинг учун мажмуамизда спортнинг Шарқ якка кураши турлари, каратэ, дзю-до, таэквондо, миллий кураш, бокс, гимнастика, шоҳмот-шашка секцияларини очишга қарор қилдик. Юзлаб ёшлар шартнома асосида ишга жалб этилган мураббийлардан таҳсил оладилар. Тўғри, машғулотлар пуллик, аммо кам таъминланган, ногирон ва кексалар хонадонлари фарзандларига имтиёзлар беришни режалаштирганмиз.

Айни чоғда мажмуамиз қошида гардероб, душхона, дам олиш хонаси, шарбат ва музқаймоқ дўкони, суратхонага мўлжалланган хоналар таъмири поёнига етмоқда. Кейинчалик ҳовлида мўъжазгина сузиш ҳавзаси қуришни ҳам режалаштириб қўйганмиз. Шунингдек, бу ерда кутубхона ишга тушириш, ҳамқишлоқларимизни янги чиққан адабиётлар билан мунтазам таъминлаш ниятимиз ҳам бор. Энг муҳими, қишлоғимиздаги ўнга яқин одамни иш билан таъминлаш имконига эга бўлдик.

**Сайдулло ҲАСАНОВ, Гулистон туманидаги «Уч қаҳрамон» жамоа хўжалигида яшовчи тадбиркор.**

## ЭКСПОРТ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАЙДИ

Наманганда момиқ сочиқ, халат, болалар кийимлари ва дастурхон тўқишга мўлжалланган «Бунёд» қўшма корхонаси иш бошлади.

Хитойнинг Тянь Жинь шаҳридаги «Шаньхо» ишлаб чиқариш савдо компанияси ва Наманагандаги «Лола-Узор» хусусий фирмаси ҳамкорликда таъсис этган корхонага хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Бу ерда ойига ўн беш тонна пахта калавасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади.

- Қўшма корхонанинг асосий мақсади янги иш ўринлари яратиб, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат, - дейди қўшма корхона директори Ш.Мирзааҳмедов.

Корхонада 180 киши меҳнат қилмоқда.

## ЁШЛАРГА ТУҲФА

Нуротада касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Педагог кадрлар тайёрлашга ихтисослашган ушбу коллежда йилига 900 нафар мутахассис тайёрланади. Бу йирик иншоотни «Навоийдеҳқонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари бунёд этди. Коллеж ўттиз тўртта ўқув хонаси, олти лаборатория, кутубхона, маънавият ва маърифат маркази, иккита спорт зали, ошхона, фан кабинетлари, компьютер хонаси ва мажлислар залига эга.

Коллежда Нурота туманидан ташқари вилоятнинг Томди, Конимех, Учқудуқ туманлари учун ҳам педагог кадрлар тайёрланади.

(ЎзА).





Хоразм шакар ишлаб чиқариш очиқ акциядорлик жамияти 1998 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Халқимизни зарур маҳсулот билан таъминлашга бел боғлаган корхона ишчилари замонавий дастгоҳларда иш олиб боришмоқда. Шунингдек, бу ерда 570 нафарга яқин ишчи-ходимларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган.

*Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.*

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

*Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилганди*

# ЧАЛА ЯРИМ ИСЛОҲОТ ТАРАҚҚИЁТГА ҒОВ

***Пахта ва ғалла ҳосилдорлигини кўтариш, қўшма корхоналар қуриш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлашда баликчиликларнинг вилоятда ўз ўрни бор.***

***Юртбошимиз Вазирлар махкамаси мажлисида таъкидлаганидек, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлар шубҳасиз бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Бироқ ислоҳотларнинг чала ярим ҳолатда амалга оширилаётганлиги, айниқса, иқтисодимизга тўғаноқ бўлаяпти. Бунинг жабрини биринчи навбатда қишлоқ мулкдорлари – деҳқон-фермер хўжаликлари тортаяпти.***

Ислоҳотларнинг амалга оширилиши, деҳқон ва фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ижроси текширишдан ўтказилди. «Тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонунлар, шунингдек, «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг бажарилиши алоҳида назоратга олинди.

Текшириш кунигача туманда 24 та кооператив иш юритаётган бўлиб, уларга 527 та фермер хўжаликлари бириктилганди. Янги кўзанинг суви тоза бўлади, деганларидек, тузилма мулкдорларга сервис хизмат кўрсатишда дастлаб ўзини оқлагандек бўлди. Сифатли уруғ, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал-ўғитлар таъминотида, лизинг хизмати кўрсатиш юзасидан муайян ишлар қилинди.

Бироқ, мустақил, нодавлат ташкилот бўлган кооперативлар бора-бора фермерларнинг «хўжайини»га айлана борди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари туман вакиллиги эса ўз ўрнини янги бўғинга бўшатиб берди. «Томошабинлиги» эвазига эса мулкдорлар даромадининг 7 фоизига эгалик қила бошлади. Устига-устак, деҳқон ва фермерлар уюшмасининг вилоят вакиллиги директори Расулжон Иброҳимов бошлиқ мутасаддилар туманни айланиб, фермерларни мажбурлов йўли билан кооперативларга аъзо қилишга киришиб кетдилар. Шундай қилиб «битта болага еттита энага» пайдо бўлди.

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга хилоф равишда кооперативлар турли шартномалар тузиш, фермерларнинг пул маблағларини тасарруф этиш сингари ноқонуний ишлар билан шуғуллана бошладилар.

«Гулистон» кооперативининг 2001-2002 йиллардаги молия-хўжалик фаолияти тафтиш қилинганда, қатор қонунбузарликлар фош этилди. Бошлиқ Б.Йўлдошев фермерларга тегишли 476 минг 218 сўмлик плёнкаларни, 13 тонна 890 килограмм минерал ўғитни ўзбошимчалик билан тумандаги Х.Эргашева номли ширкат хўжалигига бериб юборган.

Оқибатда, фермерлар манфаатига 949 минг 885 сўмлик моддий зарар етказилди. Энг ёмони, ўғит тақчиллиги юзага келиб, экинзорлардан кўзланган ҳосил етиштирилмади. Хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш, пул маблағларини мақсадсиз ишлатиш ҳолатлари бугина эмас. «Юксалиш» кооперативи раиси Х.Маннопов бош ҳисобчи Р.Аҳмедов билан жиноий тил бириктириб пахта йиғим-терими учун ажратилган иш ҳақини бошқа йўналишларга сарфлаб юборган. Натижада кооперативда 649 минг 158 сўмлик иш ҳақидан қарздорлик юзага келган. Техника сотиб олиш учун режалаштирилган 2 миллион сўм пул маблағи ҳам қонунсиз сарфланган. Тергов давомида етказилган моддий зарар фермерлар фойдасига тўлиқ ундирилди. Айбдорлар суд олдида жавоб бердилар. Бундан ташқари фермерлар ишига ҳокимликнинг асоссиз аралашиш ҳолатларига қарши прокурорлик таъсир чоралари қўлланилмоқда.

Туман ҳокимлигининг қабул қилган қарор ва фармойишларининг қонунийлиги ўрганилганда, мулкдорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари чекланаётганлиги маълум бўлди. Масалан, 2002 йил сентябр ойида 232 «к» қарор билан 49 та деҳқон хўжалиги ташкил топган. Шошма-шошарликни қаранг: ислоҳотлар шарофатидан баҳраманд бўлиб юмушга киришаётган мулкдорларга «кўз тегади». Тугатиш комиссиясининг тавсияси билан бир муддатдан сўнг, улар фаолиятларини тўхтатадилар. Прокурор ташаббуси билан протест келтирилиб, 2002 йил 8 ноябрда юқоридаги қарор бекор қилинади.

Прокуратура шартномаларнинг сифати ва ижросини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Айниқса, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари қатъий ҳимояга олинган. Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида ишлаб чиқарувчиларга кўпроқ эркинлик бериш, қонунбузарлардан судлар орқали жавоб талаб қилиш зарурлигини уқдирдилар.

Афсуски, тумандаги чала-ярим ислоҳотлар шартнома интизомини мустаҳкамлаш, фермерларнинг давлат томонидан берилган имтиёзларидан самарали фойдаланишда панд бермоқда. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб жамғармаси тўғрисида»ги Низом бўйича туман машина-трактор паркига 2003 йил ҳосилини яратишга Марказий жамғарма томонидан 36 миллион сўм бўнак ажратилганди. Ишлаб чиқарувчи сифатида фермерлар ҳам бу имтиёздан фойдаланишга ҳақли эканлиги ўз-ўзидан равшан.

Текширишда корхонада Низом талаблари қўпол равишда бузилаётганлиги аён бўлди. 185 та фермер хўжаликлари билан уларнинг манфаатларига зид равишда корхона ўртасида қўшимча шартнома тузилган. Чунки, туманда пахта йиғим-терими ноябр ойигача чўзилиб, кузги шудгорлаш ишлари чўзилиб кетганди. Кўплаб фермерларнинг ижара ерлари ҳайдовсиз қолганди. Таажжубланарлиси, кўрсатилган техника хизмати учун буюртмачиларга олдиндан корхонага 50 фоиз миқдорида нақд пул тўлаш мажбурияти юклатилади. Ана шундай қинғир йўллар билан фермерлардан 8 миллион сўм пул йиғиб олинади. Лекин «Тожибой», «Барака» каби ўнлаб хўжаликларнинг 100 гектар экинзори шудгорсиз қолиб кетади. Ачинарлиси, қонунбузарликлар туман ҳокимлиги ҳомийлигида амалга оширилган.

**Исроилжон НИЗОМОВ, Андижон вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими катта прокурори.**

